201
A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

# 7 АПРЕЛЬ – БУТУНЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 6 апрель • № 13 (1190)

*Конгресс*

## ЗАМОНАВИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ НАЗАРИЯДАН АМАЛИЁТГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ

**Жорий йилнинг 4-5 апрель кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти томонидан “Инсон ва саломатлик” мавзусида V Республика конгресси ўтказилди. Унда соҳанинг нуфузли академик, профессор-олимлари, турли вазирлик, давлат идоралари вакиллари, фармацевтика корхоналари ҳамда дорихона муассасаларининг раҳбарлари, ёш олимлар ва тиббиёти ривожланган мамлакатлардан ташриф буюрган етук халқаро мутахассислар иштирок этди.**




Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирлиги фан ва тиббий таълим бош бошқармаси бошлиғи Ўктам Исмоилов кириш сўзи билан очиб, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, соҳага оид қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, улар ижроси таъминланиши натижасида босқичма-босқич амалиётга жорий этилаётган фаолиятлар, замонавий даволаш усуллари, юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари ва эришилаётган натижаларда халқаро ҳамкорлик алоқалари нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини алоҳида тилга олди. Шунингдек, конгресс доирасида муҳокама қилинадиган мавзуларнинг мазмун-моҳияти ва улардан

**(Давоми 2-бетда).**

*Соғлом аёл ойлиги*

## БУ ВАТАНДА ОНА МЎЪТАБАР, ФАРЗАНДЛАР АЗИЗ



**Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 140-сонли буйруғига асосан жорий йилнинг 5-31 март кунлари “Соғлом аёл ойлиги” ўтказилди.**

Хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва турли хасталикларнинг олдини олиш, соғлом оилани шакллантириш, юқумли ва юқумсиз касалликларнинг эрта аниқлаш мақсадида ташкил этилган мазкур ойлик давомида аҳолига эрта ҳамда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, зарарли одатларнинг инсон соғлиғига ножўя таъсири, ҳомиладор аёллар ва бир ёшгача бўлган болалар парвариши хусусида малакали мутахассислар томонидан керакли маслаҳат, йўриқномалар берилди.

Юнусобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 51-сонли оилавий поликлиника ҳам мазкур ойликда фаол қатнашиб, ҳудуддаги хотин-қизларни тиббий кўрикдан ўтказди. Куни кеча ушбу тадбир «Ифтихор» ҳамда «Янги ариқ» МФЙда ҳам амалга оширилди.

**Гўзал ҚОДИРОВА,**
**Юнусобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 51-сонли оилавий поликлиника бош шифокори:**

– Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, хусусан, 2017 йил 6 июндаги «Тошкент шаҳар аҳолисига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдами самарадорлигини ошириш ва бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3039-сонли Қарори

**(Давоми 3-бетда).**

## УШБУ СОНДА

3 **«ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ» РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ:**
*Соғлиқни сақлаш вазирлиги 92 балл билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари орасида – 5-ўринни эгаллади.*

4 **САЛОМАТЛИК УЧУН ИНТИЛМОҚ КЕРАК**
*Инсон саломатлиги 55 фоиз ҳолатда ўзига, яъни яшаш турмуш тарзига, 20 фоиз экологик омилларга, 15 фоиз ирсий омилларга, 10 фоиз эса тиббий ёрдамга боғлиқ.*

5 **АСОСИЙ МАҚСАД: ФАОЛИЯТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**
*Юртимиз шифохоналари саҳифасида Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг бугунги фаолияти кенг ёритилади.*

Расмий веб-сайтимиз: www.uzssgzt.uz * Электрон манзилимиз: uzss@yandex.ru

*Конгресс*

# ЗАМОНАВИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ НАЗАРИЯДАН АМАЛИЁТГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ






лари орасида кўплаб муҳокама этиладиган масалалардан бири – бу беморларнинг долзарб муаммоли қатламидир. Бу тур бир эмас, бир нечта ташхисга эга бўлган беморлардир. Гап шундаки, уларга битта касаллиги учун тавсия қилинадиган дори воситасининг бошқа хасталигига қарши кўрсатмаси бўлиши мумкин. Конгресс маърузаларида эса айни шу масалаларнинг самарали йўллари ҳам кўриб чиқилди. Бундан ташқари, амалиёт жараёнларида тиббиёт манбаларида келтирилган асосларга бўйсунмайдиган ҳолатлар мавжуд. Йиғилишда улар ечимига ҳам зарурий мақбул чоралар изланмоқда. Анжуман хулосаларидан сўнг олинадиган хулосалар соҳада ҳанузгача аниқ жавоби топилмай келаётган масалаларга ечим бўлиши баробарида, мамлакатимизда замонавий тиббиётнинг ривожланиши ва оммалашувига салмоқли ҳисса қўшишини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳабибулла Оқилов конгресс иш фаолияти билан анжуман иштирокчиларини яқиндан таништирди. Жумладан, кардиология, неврология, педиатрия, пульмонология бўйича илмий жамиятларнинг янги клиник тавсиялари, эндокринология ва гастроэнтерология соҳасида эришилаётган энг сўнгги натижалар хусусида сўз юритилиши ҳақида маълумот берди ва тадбир ишига муваффақият тилади.

Таъкидлаш муҳимки, ўзаро тажриба алмашиш майдонига айланган конгресс ишида мамлакатимиз тиббиёт ходимлари билан бир қаторда хорижий мутахассислар маърузаси ҳам тингланди. Аниқроғи, анжуманнинг иккинчи қисмида тор доирадаги иштирокчилар ҳамкорлигида кардиология, респиратор тиббиёт, акушерлик ва гинекологияда диагностика ва даволаш, неврологияда патогенетик терапия, гастроэнтерология, эндокринологиянинг замонавий жиҳатлари, клиник стандартлари ҳамда педиатрлар учун клиник тавсиялар мавзуларига атрофлича ёндашилди. Уларда касалликларни аниқлаш ва уларни даволашнинг замонавий усулларини кундалик врачлик амалиётига татбиқ этиш мақсад қилинган анжуманнинг соҳа фаолияти равнақида тутадиган ўрнини хорижлик мутахассислар ҳам эътироф этишди.

**Феруза ҲАМРОБОЕВА,**
**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти терапия факультети декани, профессор:**

– Бешинчи бор ўтказилаётган тадбирдан кўзланган асосий мақсад, қисқа вақт мобайнида Президентимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарор ва фармонларда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашдан иборатдир. Яъни, ихтисослашган тиббий хизматлар ва мураккаб амалиётларни аҳолига яқинлаштириш, соҳада кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, эрта ташхиси, шу билан бирга, самарали даволаш усулларини амалиётга кенг жорий қилишга эришиш. Яна шуни ҳам айтиш муҳимки, конгресс ташкил қилинишидан олдин “йўл харитаси” ишлаб чиқилган бўлиб, юқорида таъкидланган масалалар ечими қадам-бақадам келтирилган. Бу йилги анжуманнинг аввалгиларидан фарқли жиҳати – кўплаб мутахассисликлар қатори биринчи марта психатрия йўналишидаги долзарб масалалар ҳам муҳокамага қўйилган. Бундан ташқари, болалар даври касалликларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, анжуман маърузачиларининг ҳар иккинчиси хорижлик ўз соҳасининг етук намояндаларидир. Улар нафақат илмий изланувчилар, балки амалиётда ҳам фаолият юритиб келаётган профессор ва олимлардан иборат.

Бугунги кунда тиббиёт ходим-

чиқариладиган услубий қўлланмалар эса соҳа мутахассилари учун амалиётда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Кенг аудиторияни қамраб олган конгресс доирасида янги дори воситалари, янги ахборот технологиялари ва тиббиёт асбоб-ускуналари, соҳага оид буюмлар ҳамда махсус нашрлар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди. Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз ва хорижий фармацевтика компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган янги ишланмалар, инновацион дори воситалари, улар самарадорлиги, қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу нуфузли анжуман ўз фаолиятини бугун Бухоро вилоятида давом эттирмоқда.




**Игорь СКРЫПНИК,**
**Украина тиббиёт стоматология академияси дипломдан кейинги таълим бўйича проректори, Украина гастроэнтерология ассоциацияси президенти, тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

– Юқори савияда ташкил этилган ушбу нуфузли анжуманда “EASL-EASD-EASO (2016) тавсиялари асосида жигарнинг ноалкогол ёғли касаллиги диагностикаси ва уни даволашнинг замонавий усуллари”га бағишланган маърузам билан иштирок этаяпман. Биласизми, инсон организмидаги ҳар бир аъзо алоҳида парваришни талаб қилади, хусусан, жигар ҳам. Нега айнан хасталикни даволашнинг замонавий усуллари, сабаби, бугунги кундалик ҳаётимизга ҳар хил маиший янгиликлар кириб келаётганидек, касалликлар кўриниши ҳам турлича тус олмоқда. Демак, улар ташхиси ва даволаш ишларига замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш керак. Бунинг учун эса, албатта, изланиш зарур ва бу борада мазкур анжумандагидек тажриба алмашиш муҳим аҳамият касб этади. Йиғилиш ишида ўрганилаётган мавзулар таҳлили мамлакатингизда тиббиёт, соғлиқни сақлаш соҳасига бўлган эътиборни акс эттиради. Мамлакатингиз мутахассислари билан доимий равшда ўзаро фикр алмашиб турамиз, улар тажрибасини ҳурмат қиламан. Шуни ҳам айта оламанки, давлатингиз тиббиёт тизими бўйича қисқа давр ичида кўзланган мақсадлар даражасидаги муваффақиятларга эришади. Бугунги конгресс ҳамда ундан кутилаётган натижалар эса бу борадаги фикрларимнинг тасдиғидир.





**Владемир КОВАЛЬЧУК,**
**Санкт-Петербург реабилитологлар жамияти раиси, Кембридж университети профессори:**

– Халқаро анжуманларнинг афзал жиҳатларидан бири уларда тажриба алмашиш имконияти кўламининг кенглигидир. Фикрлар хилма-хиллиги, ўзаро қарашларнинг турлилиги фаолиятга янгича ёндашувлар олиб киради. Мутахассис сифатида бирор бир хасталикка бир хил ташхис қўйишингиз мумкин ва табиий, аммо даволаш усулларига мурожаат қилишда фарқ кузатилади. Шу маънода касбини ҳурмат қилган, фаолиятдаги янгиликларга қизиққан, илм излайдиган ҳар қандай мутахассис учун бу каби учрашувлар ўта муҳим ҳисобланади. Мен “Бош мия сурункали ишемиясининг патоморфологик сабаблари. Кутилмаган хавф омиллари ва олдини олишнинг қизиқарли усуллари. Патогенетик терапия препаратларини тўғри танлаш – даволаш муваффақиятининг гарови” мавзусида маъруза тайёрлаб келганман. Мамлакатингиз мутахассисларининг бу борадаги қарашлари, умуман, мазкур масалада қўллайдиган даво-муолажалари фаолиятим учун қизиқарли, ва албатта, янгилик олишимга ишонаман. Қолаверса, тиббиётда назария билан амалиёт узилиб қолмаслиги керак. Шундагина натижага эришиш осонлашади. Анжуманда юртингизда аҳоли саломатлиги, соғлиқни сақлаш тизимига эътибор юксак даражада экан. Аслида қисқа фурсат ичида соҳани такомиллаштиришга қаратилган давлат даражасидаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши катта натижа. Бу конгресс муҳокамасига қамраб олинган мавзулар қамровида ҳам кўриниб турибди. Ташкилотчиларга самимий меҳмондустлик ва эътибор учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

(Давоми. Боши 1-бетда).

### ЭЪТИБОР БЕРИНГ

***Бугунги кунда тиббиётда кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлаётган масалалардан бири – беморларнинг долзарб муаммоли қатламидир. Бу тур бир нечта ташхисга эга бўлган беморлардир. Боиси, уларга битта касаллиги учун тавсия қилинадиган дори воситасининг бошқа хасталигига қарши кўрсатмаси бўлиши мумкин. Конгресс маърузаларида айни шу масалаларнинг самарали йўллари ҳам кўриб чиқилди.***

**Хулоса қилиб айтганда, амалиётда олиб борилаётган бу каби фаолиятлар мамлакатимизда тиббиёт соҳаси равнақи, бу орқали аҳоли саломатлигини таъминлаш масаласига бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Зеро, бу борада амалга оширилаётган тиббий ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам жамият фаровонлигига эришишдир. Инсон ва саломатлик том маънода бир-бирига уйғун тушунча. Боиси, инсон қачон ҳаловат топади, қачонки, соғлиғи мустаҳкам бўлса. Аҳолисининг саломатлиги мустаҳкам жамиятда эса фаровонлик барқарордир. Шу маънода олиб қаралганда ҳар йили ўтказилиши анъанавий тус олаётган нуфузли тадбирнинг айни шундай номланиши ҳам бежиз эмас, албатта.**

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.**
**Суратлар муаллифи Акром АБДУЛЛАЕВ.**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Соғлом аёл ойлиги*

# БУ ВАТАНДА ОНА МЎЪТАБАР, ФАРЗАНДЛАР АЗИЗ

ижроси юзасидан муассасамизда изчил фаолиятлар йўлга қўйилди. 10 та, яъни Шаҳристон, Ғайратий, Анорзор, Жомий, Янги ариқ, Уста ширин, Ифтихор, Ҳуснобод, Адолат, Биллур маҳаллаларида истиқомат қилувчи 34 минг 872 нафар аҳолига тиббий хизмат




кўрсатиб келинмоқда. Шундан катта ёшдаги аҳоли 25 минг 430, болалар 8 минг 612, туғиш ёшидаги аёллар 7 минг 750, ўсмирлар 1 минг 411, ундан ўсмир қизлар 739 нафарни ташкил қилади. Бундан ташқари, 4 та умумтаълим мактаби, 6 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та коллеж бириктирилган. Бажарилган ишлар юзасидан ҳудуддаги маҳаллалар аҳолисига мунтазам равишда ҳисоботлар берилиши жорий қилинди. Таъкидлаш жоизки, поликлиникамиз зарурий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бунинг баробарида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги 2221-сонли Қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 1 мартдаги «Соғлом аёл ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги 140-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудимизда мазкур ойликни амалга оширдик. Ўз ўрнида айтиш мумкинки, бу фаолиятлар тиббий ёрдам сифатини такомиллаштириш, туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, оналар ва болалар ўлимининг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу тадбир доирасида умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамширалари томонидан бириктирилган ҳудудларидаги ҳар бир хонадонда рўйхатда турган ёки турмаган, истиқомат қилаётган аёллар ҳисобга олинди. Аёллар сонидан келиб чиқиб тиббий кўрик ўтказиш жадвали тузилиб, чақирув варақалари патронаж ҳамширалари ва «Саломатлик мактаби» аъзолари томонидан берилди. Умумий амалиёт шифокори ва ҳамширалари, тор соҳа мутахассислари томонидан лаборатор таҳлиллари, УТТ, ЭКГ текширувлари ўтказилди. Бунинг натижасида аниқланган хотин-қизларда учраётган бирламчи касалликлар диспансер назоратига олиниб, соғломлаштириш ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга, туғиш ёшидаги аёлларнинг 1 минг 40 нафарида ҳам ушбу тадбирлар ўтказилди. 14 нафар аёл поликлиника қошидаги кундузги шифохонада даволанди. 40 фоиз хасталиги бор аёлларга тор соҳа мутахассислари ва умумий амалиёт шифокорлари томонидан амбулатор даво чоралари қўлланилди. Бугун «Саломатлик мактаби» фаоллари ёрдамида Ифтихор ва Янги ариқ маҳаллалари хотин-қизлари тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, Янги ариқ маҳалласида истиқомат қилувчи 2 нафар ногиронлиги бор туғиш ёшидаги аёл хонадонига бориб тиббий кўрик ва лаборатория, УТТ, ЭКГ текширувлари ташкил этилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Маҳалламизда 3 минг 25 нафар аҳоли истиқомат қилади, – **дейди «Ифтихор» МФЙ диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Машҳура Ходжаева.** – Ундан 1 минг 737 нафарини аёллар ташкил қилади. Ҳудудимиздаги 51-сонли оилавий поликлиниканинг ходимлари билан доимий тарзда ҳамкорликда иш олиб борамиз. Зеро, мақсадимиз бир, у ҳам бўлса – аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш. Ўтказилаётган мазкур «Соғлом аёл ойлиги» жуда муҳим, деб ҳисоблайман. Сабаби, жамият ҳамда оилада муносиб ўрин тутадиган аёлларимизнинг саломатлигини асраш оилалар тинчтотувлиги, соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилади. Бундан ташқари, маҳалламизда «Ёш келинлар» мактабини ташкил қилиб, уларда ҳам маънавий, ҳам соғлиғини асраш, тиббий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратамиз. Тадбирнинг эътирофлиси шундаки, тиббиёт ходимлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар бепул амалга оширилмоқда.





Айтиш жоизки, ойлик давомида бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида тадбирни ташкиллаштириш бўйича «йўл харитаси»га асосан, умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамширалар томонидан ўз участкасида ҳар бир хонадондаги рўйхатда турган ва турмаган, лекин истиқомат қилаётган аёлларни тиббий-кўрикдан ўтказишди.

– 25 йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, тиббиёт тобора ривожланиб, унга янги инновацион технологиялар жорий этилмоқда, – **дейди умумий амалиёт шифокори Наргиза Абдужабборова.** – Бугунги кунда Юртбошимиз томонидан соғлиқни сақлаш соҳасига берилаётган эътибор, олиб борилаётган ислоҳотлар чиндан ҳам халқ манфаатларига қаратилиб, ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Менга бириктирилган Янги ариқ маҳалласида 2 минг 100 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улардан, 465 нафарини фертиль ёшидаги аёллар ташкил этади. Ушбу ҳудудда тез-тез учраётган камқонлик, бўқоқ касалликлари бўйича профилактик тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Йилига бир марта аёлларни чуқур тиббий кўрикдан ўтказиб, назоратга оламиз. Катта ёшдаги аёлларда учраётган гинекологик хасталиклар борасида ҳам тегишли чоралар кўряпмиз. Бугунги тадбир касалликларни эрта аниқлаш, вақтида тўғри ташхис қўйиш ва даволаш, профилактика чораларини олиб боришда қўл келмоқда.

– Поликлиника ходимларининг маҳаллага келиб, хотин-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиши, ёши кексаларнинг имконияти йўқлигини инобатга олиб, хонадонимизга бориб, ҳол-аҳвол сўраши шифокорларимизнинг ўз ишларига масъулият билан ёндашишларидир, – **дейди Ифтихор маҳалласи фуқароси Гулнора Аҳмедова.** – Ҳозир 5 нафар, хусусан, 1 нафар ҳомиладор келиним билан УТТ, ЭКГ, кардиолог, гинеоколог, эндокринолог, невропотолог кўригидан ўтиб, қон таҳлилларини ҳам топширдик. Чунки нафақат ўзимнинг, балки келин, фарзанд, набираларимнинг соғ-саломат юриши тарафдориман. Кўриб турганингиздек, ёшу қари бу тадбирда фаол қатнашмоқда. Тиббиёт ходимлари зарурий асбоб-ускуналари билан маҳалламизга келиб, бепул кўрикдан ўтказяпти. Бундан ортиқ шароит бўлмаса керак, назаримда. Ҳудудимизга бириктирилган умумий амалиёт шифокори ва ҳамшираси ҳар куни хонадонимизга бориб, ҳомиладор келинимнинг саломатлигидан бохабар бўлмоқда. Уларнинг бундай ғамхўрликларидан миннатдормиз.

**Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган бу каби эзгу фаолиятлар фарзандларни соғлом дунёга келтириш ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилиши муқаррар. Зеро, соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келади. Соғлом фарзанд эса юрт келажаги, миллатнинг эртанги кучидир. Шу боис ҳам бу Ватанда она мўътабар, фарзандлар азиз.**

**Жонибек МАЪРУПОВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**

*Эътироф*

# «ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ» РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ: СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ 92 БАЛЛ БИЛАН 5-ЎРИНДА

***Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг “Очиқлик индекси” бўйича рейтинги эълон қилинди. Рейтинг натижаларига кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги 92 балл билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари орасида – 5-ўринни, вазирликлар ичида эса – 3-ўринни эгаллади.***

Ўтган галги рейтинг баҳолашда вазирликка 88 балл билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ичида 12-ўрин берилган эди.

Жорий йил 1 январгача бўлган даврни ўзида ифодалаган “Очиқлик индекси” рейтинги 52 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органини қамраб олди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда эркинликларига дахлдор ахборотларни тақдим этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш давлат бошқаруви тизимидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган эди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида белгиланган талабларга тўлиқ риоя қилган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Бунда вазирлик Ахборот хизмати фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ахборотлардан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш, давлат органлари ва жамият ўртасида ўзаро ахборот алмашишнинг аниқ механизмларини яратиш бўйича қатор амалий ишлар олиб бормоқда.

Эслатиб ўтамиз, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши шакллантирилган эди. Ушбу кенгаш экспертлар иштирокида давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиб, баҳолаш натижаларини ҳар йили икки маротаба эълон қилиб боради.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**
**Ахборот хизмати.**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Устозга эҳтиром*

# ИБРАТГА АЙЛАНГАН ҲАЁТ ЙЎЛИ

***Орамизда шундай инсонлар борки, ўзининг ҳалол меҳнати, касбига бўлган иштиёқи, эзгу фазилатлари билан эл назарига тушади. Ана шундай эътирофларга муносиб, 51 йилдан буён халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилиб келаётган Муҳаммаджон Азимов бугунги кунда табаррук 70 ёшни қарши олмоқда ва айни пайтда Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси ҳамда Тошкент давлат стоматология институтида педагог, илмий ва амалий фаолиятини юритиб келмоқда.***

Муҳаммаджон Азимов 1948 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган бўлиб, ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатгач, 1971 йилда Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)нинг стоматология факультетини муваффақиятли тугатди. 1971-1973 йилларда мазкур ўқув юртининг жарроҳлик стоматологияси кафедрасида клиник ординатурани ўтади. Тажрибали мутахассис фаолияти давомида илмий изланишларга қўл уриб, 1973-1976 йиллар давомида аспирантурада таҳсил олиб, фан номзоди даражасига етди. У фанга бўлган қизиқиши, касбига садоқати туфайли 1976 йилдан буён Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент давлат стоматология институтида педагоглик касбини улуғлаш билан бирга, илмий ишларини давом эттирди. Устоз 41 йил илмий-педагог, 25 йил кафедра мудири, 7 йил эса стоматология факультети декани лавозимларида меҳнат қилди. Муҳаммаджон Азимов стоматологиянинг сиру-синоатларини чуқур ўрганиб, 1991 йил докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўз ишининг моҳир устаси М. Азимов раҳбарлигидаги жамоанинг барча илмий ишлари юз-жағ соҳаси яллиғланиш жараёнлари, жароҳатлар, туғма ва орттирилган нуқсонлар, шакл бузилишлар ҳамда ўсма касалликларини ташхислаш, даволаш ва асоратлар олдини олишнинг самарадор усулларини ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, бу борада кўпгина ютуқларга эришилди. Шу билан бирга, устоз томонидан стоматология йўналишини янада ривожлантириш йўлида 13 нафар фан доктори ва 23 нафар фан номзоди тайёрланди.







Бундан ташқари, унинг раҳбарлигида илмий грантлар бўйича иш олиб борилиб, бу борада ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. Таъкидлаш муҳимки, устоз ва шогирдларининг илмий ишлари хорижий мамлакатларда тан олинмоқда. Жумладан, Россия, Жанубий Корея, Германия, шунингдек, Қозоғистон, Тожикистон тиббиёт (стоматология) институтлари билан илмий ва ўқув ишлари бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бунинг баробарида, Германиянинг «Marien hospital» пластик хирургия маркази (директор проф. Dr. Wangerink) билан биргаликда докторлик диссертацияси ёқланди. 2011 йилда Муҳаммаджон Азимовнинг меҳнати рағбатлантирилиб, Россия тиббиёт ва техника академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Эътироф этиш лозимки, кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган олим барча ҳамкасблари, шогирдлари, қолаверса, ёш кадрларга ибрат бўлиб, мамлакатимизда стоматология мактабини яратди. Унинг муаллифлигида «Жарроҳлик стоматология пропедевтикаси», «Юз-жағ травматологияси», «Болалар жарроҳлик стоматологияси» номли дарсликлари яратилди. Шу билан бирга, 4 та услубий ва 10 та ўқув услубий қўлланма нашр этилди.

Моҳир жарроҳ юз ва жағлар яллиғланиш касалликлари ҳамда жароҳатлари бўлган юзлаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш билан бирга юз ва жағлар туғма кемтиги, ўсмаси билан туғилган минглаб болаларни даволаб, уларни соғлом тенгдошлари қаторида, жамиятда ўз ўрнини эгаллашига катта ҳисса қўшиб, халқнинг дуосини олмоқда.

Муҳаммаджон Азимов фаолияти давомида институтнинг барча жамоат ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. 1978-1987 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида бош болалар стоматологи лавозимида фаолият юритган бўлса, 1995-2012 йилларда Д 087.01.02 ихтисослашган илмий кенгашига раислик қилган. Бундан ташқари, «Stomatologiya» журналида таҳрир ҳайъати аъзоси ҳамдир. Профессор Муҳамаджон Азимов Республикамизда стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги фани йўналишларида истиқболли, халқаро даражада тан олинган илмий салоҳиятли мактабни яратган олим десак, муболаға бўлмайди.

**Ўз умри ва ҳаёт йўлини Ватан тақдири билан боғлаган жонкуяр устоз, профессор Муҳаммаджон Азимов ҳамон қайноқ меҳнат бағрида. Нозик ва мураккаб касб эгаси тиббиётнинг сиру-синоатларини шогирдларига ўргатиб чарчамайди. Қолаверса, инсон чеҳрасидаги ноёб операцияларни қойилмақом қилиб бажараётган бу фидойи инсон ҳақида қанчалар эътироф битсак, шунчалар озлик қилади. Шундай экан, устоз Муҳаммад Азимовни табаррук ёшлари билан қутлаб, ўзларига соғлик-омонлик, оилавий хотиржамлик, ғайрат ва шижоат ҳамроҳ бўлишини истаб қоламиз.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Акром АБДУЛЛАЕВ.**

*Соғлом турмуш тарзи*

# САЛОМАТЛИК УЧУН ИНТИЛМОҚ КЕРАК

***Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти 2015 йилда “Барқарор ривожланиш мақсадлари” дастурини қабул қилган эди. Унда белгиланганидек, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш учун аниқ қадамлар қўйиш, умумий соғлиқни сақлашга эришиш, яъни ҳар бир киши, ҳар жойда моддий қийинчиликларга дуч келмасдан, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши кераклиги бўйича ўз тавсияларини дунёнинг барча мамлакатларига йўналтириб келади.***

Юртимизда аҳолининг барча қатламларини бирламчи тиббий-санитария ёрдами билан қамраб олиш, тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларни эрта аниқлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар бевосита Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Бутунжаҳон саломатлик куни” бўйича ўртага ташланган “Ҳамма учун, ҳамма жойда, Соғлиқни сақлаш хизмати билан умумий қамраб олиш” дастурининг амалдаги исботи, десак муболаға бўлмайди. Демак, соғлом бўлиш учун тиббий маданиятни мунтазам ошириб бориш ҳамда соғлом турмуш тарзи, унинг тамойиллари ҳақида етарли маълумотга эга бўлиши ва уларга амал қилиши керак. **Шу билан бирга, қуйидаги асосий принципларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур:**

** Шахсий гигиенага амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда тишларни кунига икки маҳал ювиш орқали оғиз бўшлиғидаги бактериялар кўпайишининг олди олинади. Тери гигиенасига амал қилган ҳолда кунига бир маротаба душ қабул қилиш - тери касалликларининг ривожланишига имкон бермайди. Оёқ ва уст кийимларини тоза ва озода сақлаш мақсадга мувофиқдир.*

** Тамаки маҳсулотлари ҳамда спиртли ичимликларни истеъмол қилишдан воз кечиш керак. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, тамаки чекувчиларда чекмайдиганларга қараганда бронхит ва ўпка эмфиземаси 6, ҳалқум саратони (рак) 5, қизилўнгач ва ошқозон саратони 3, қон айланиш тизими касалликлари 2,5, ошқозон яраси 10, тўсатдан юз берувчи ўлим ҳолати 5 маротаба кўп кузатилар экан. Тамаки чекиш инсон умрини 12-15 йилга қисқартиради. Спиртли ичимликларни сурункали истеъмол қилиш эса овқат ҳазм қилиш тизими (ошқозон, ошқозон ости бези, жигар), юрак қон-томир тизими касалликлари (инфаркт, қон босими ошиши) ва бош мия, руҳий ҳолатининг бузилишларига олиб келади.*

**ЭЪТИБОР БЕРИНГ**

Маълумотларига кўра, инсон саломатлиги 55 фоиз ҳолатда инсоннинг ўзига, яъни яшаш турмуш тарзига, 20 фоиз ҳолатда экологик омилларга, 15 фоиз ҳолатда ирсий омилларга, 10 фоиз ҳолатда тиббий ёрдамга боғлиқ бўлади.

** Тўғри ва оқилона овқатланиш мақсадга мувофиқдир. Кунига 3-4 маҳал, оптимал вақти 30 дақиқа давомида бўлиши керак. Турли озиқ-овқат маҳсулотларини, кунига бир неча маҳал ҳар хил сабзавот ва мевалар, кўпроқ ўсимлик ёғи, таркибида ёғи кам бўлган сут ва сут маҳсулот (қатиқ пишлоқ, творог кабилар)ни кўпроқ истеъмол қилиш зарур. Тузнинг умумий миқдори кунига бир чойқошиқ (5 грамм) дан ошмаслиги ҳамда фақат йодланган тузни истеъмол қилиш керак.*

** Ортиқча тана вазни инсон саломатлигига салбий таъсир қилиши туфайли ундан холос бўлиш зарур. Сабаби, у юрак қон-томир, нафас олиш, ошқозон-ичак тизими ва умуртқа поғонаси касалликларига олиб келади.*

** Эрталабки бадантарбия – уйқучанлик ва ланжликни йўқотиб, кайфиятни кўтаради ва иштаҳани очади. У ҳаракатчан, майин ҳамда нафас олиш машқларидан иборат бўлиши зарур.*

** Меъёрий уйқу – инсон саломатлиги учун муҳим омиллардан бири. Катта ёшдаги одамлар суткасига 7-8 соат ухлаши керак. Имкон қадар бир вақтда ухлаш ва уйғониш лозим. Уйқудан олдин хонани шамоллатиш, илиқ ванна қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.*

**Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар бир инсон ҳис-туйғуларини бошқариб, стресслар билан кураша олиши керак. Зеро, салбий ҳис-туйғулар касалликларга олиб келади. Шу боис, ҳаётни борича севиб, саломатликка интилмоқ фойдадан холи эмас.**

**Кенжабой ИСМАИЛОВ,**
**Республика жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти ходими, тиббиёт фанлари номзоди.**

*Юртимиз шифохоналарида* **Қашқадарё вилояти**

# АСОСИЙ МАҚСАД: ФАОЛИЯТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

***Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юртимиздаги барча тиббиёт муассасалари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, Инвестиция дастури асосида қайта таъмирланиш ва қўшимча қурилишлар натижасида янгича қиёфа кашф этган Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази хусусида ҳам айни шундай дейиш мумкин.***



Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган мазкур марказ бугунги кунда умумий 460 ўринга эга. Айни пайтда муассасанинг асосий 17 та бўлими ҳамда маслаҳат поликлиникасида 130 нафар малакали шифокор ҳамда 575 нафар ҳамшира фаолият юритмоқда. Ушбу шифо масканида кўп йиллик тажрибали профессор ва ёш мутахассислар ўртасида устоз-шогирд анъаналари йўлга қўйилган. Тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар шифохона фаолиятига ҳам босқичма-босқич жорий қилинмоқда. Улар билан яқиндан танишиш мақсадида марказ раҳбариятига мурожаат қилдик.

– Президентимиз раҳнамолигида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан тизимда амалга оширилаётган барча ислоҳот жараёнлари мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидаги тиббиёт муассасаларида бирдек жорий этилмоқда, хусусан, Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам, – **дейди бош шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Ихтиёр Каримов.** – Аввало, республика марказий муассасаларининг тажрибали мутахассисларини ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларига раҳбарлик лавозимларига йўналтирилиши натижасида жойлардаги аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати янада яхшиланиб, вилоят шифохоналарида ҳам мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш йўлга қўйилмоқда. Хусусан, ўзим ҳам мазкур жараёнлар натижасида ушбу марказга сафарбар этилдим. Муассасада барча шароитлар мавжудлиги ва замонавий аппаратуралар билан жиҳозланганлигининг гувоҳи бўлдим ва ушбу фаолиятларни янада изчиллик билан давом эттириш мақсадида, "Энди фақат ишлаш керак" иборасини ўзимга шиор қилиб олдим. Ислоҳотларга тўхталадиган бўлсак, дастлаб асосий эътиборни даврнинг долзарб масалаларидан бирига айланган кадрлар малакасини ошириш, тажрибали мутахассислар ҳамкорлигида жойларда аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ва профилактикани кучайтиришга қаратдик. Шу мақсадда юртимизнинг нуфузли илмий-текшириш институтлари ҳамда ихтисослаштирилган марказлар профессор-олимлари иштирокида маҳорат дарслари ташкил қилиб келинмоқда. Масалан, марказ неонатолог, реаниматолог ва ҳамширалари учун Республика перинатал маркази шифокорлари томонидан "Репродуктив соғломлаштириш, Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш" лойиҳаси доирасида чақалоқлар реанимацияси, неонатал парваришлаш асослари, неонатал аппаратларни ишлатиш самарадорлиги каби мавзуларда ташкил қилинган маҳорат дарслари шулар жумласидандир. Албатта, бу биргина мисол, аммо ушбу фаолиятларимиз белгиланган тартибда узлуксиз амалга ошириб келинмоқда. Шу билан бирга, мутахассисларимиз Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедраси ва базаларида ўз маҳоратларини ошириб келишмоқда. Натижада бемор болаларга тиббий ёрдам кўрсатилиши яхшиланмоқда. Бундан ташқари, ўтган вақт мобайнида замонавий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилмоқда. Бу ўз ўрнида мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажариш, касалликларга аниқ ташхис қўйиш ва уларни тўғри даво-муолажаларига йўналтириш борасидаги имкониятларимиз яхшиланишига хизмат қилмоқда. Шуни ҳам айтиш кераккки, марказнинг иш режасига мувофиқ, ўтган йил якуни ва жорий йилнинг айни вақтига қадар аҳоли саломатлиги профилактикаси назоратини ҳудудлар кесимида қамраб олиш мақсадида малакали мутахассисларимиз томонидан вилоятнинг Қарши, Муборак, Миришкор, Касби, Косон, Нишон, Ғузор ва Деҳқонобод туманларидаги кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда туман тиббиёт бирлашмаларининг болалар бўлимида беморлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Қолаверса, шифохонанинг ички имкониятларини янада яхшилаш ва беморларга зарурий шарт-шароитлар яратиб бериш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.



Марказда пульмонология, гастроэнтерология, нефрология, кардиоревматология, неврология, аллергология, янги туғилган чақалоқлар патологияси, эрта ёшдаги болалар патологияси, гематология, режали, торакал ва йирингли хирургия, ЛОР, юз-жағ хирургия, реанимация, интенсив терапия, жароҳат оқибатлари ва ортопедия (10 ўринли нейрохирургия билан) урогинекология (10 ўринли болалар гинекологияси), шунингдек, қабул, клиник лаборатория, нурли диагностика, физиотерапия, марказий стерилизация сингари ёрдамчи бўлимлар ҳамда 150 қатновга мўлжалланган маслаҳат поликлиникаси аҳолига зарурий тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Улар фаолияти билан танишиш асносида ЛОР, юз-жағ жарроҳлик бўлимида туғма танглай етишмовчилиги нуқсони билан туғилган беморни жарроҳлик амалиётига тайёрлаш жараёни олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.



– Айтиш керакки, беморда олдин ҳам бу турдаги операция ўтказилган. Бироқ, жарроҳлик амалиёти муваффақиятли амалга оширилмаган, – **дейди мазкур бўлим шифокори Ғиёсбой Фармонов.** – Бундай беморлар олдин зарурий клиник лаборатория текширувлари, яъни педиатр, кардиолог, анестезиолог, невропатолог кўрикларидан ўтказилади. Шулардан кейин натижаларга қараб, унда қайта операция бажарилади. Мазкур бўлимда йил давомида туғма ҳамда орттирилган нуқсонли 60-70 нафар беморда жарроҳлик амалиёти амалга оширилади. Уларнинг аксарияти режали тарзда бажарилади. Тажрибали мутахассисларимиз кўп, улар ёнига ёш, салоҳиятли ва интилувчан кадрларнинг келиб қўшилаётгани эса амалиётга янгича диагностика ва даволаш усулларини жорий қилиш имконини бермоқда.

Марказда бўш иш ўринларини ёш кадрлар билан тўлдириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилган.

– Соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар биз ёшларга кенг имкониятлар яратиб бермоқда, **– дейди врач-педиатр Нурали Худойбердиев.** – Жорий йил бошида Президентимиз кўрсатмаларига кўра, 2017-2018 ўқув йилининг бакалавр ҳамда иккинчи босқич клиник ординатура битирувчиларини тизимнинг бирламчи тиббий-санитария бўғинига йўналтирилиши натижасида мазкур муассасанинг қабул бўлимига ишга қабул қилиндим. Ишлашимиз учун барча шароитлар мавжуд, айниқса, устоз-шогирд анъаналари асосида амалий кўникмаларни ўзлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Иш бошлагач, устозларимизнинг назарий билимларни мустаҳкамлашнинг энг самарали йўли: амалиёт жараёнларини чуқурроқ ўрганиш, тинимсиз изланиш ва янгиликка интилишдир, деган фикрларига амин бўлдим. Шу маънода ҳали ўрганишимиз лозим бўлган касб сирлари жуда кўп. Жамоадаги тажрибали ҳамкасбларимиз бу борада бизга ибрат ва кўмакдош бўлишига ишонаман.

**Ҳа, муассасада ишлар қизғин. Кўп сонли аҳолининг мурожаати эса халқимизнинг тиббиётга ишончи ортиб бораётганлиги ва ўз саломатлигини асраб-авайлашга жиддий ёндашаётганлигидан далолатдир. Хулоса эса оддий, изчил давом эттирилаётган фаолиятлар самарадорликни таъминлаш ва келгусида бартараф этилиши лозим бўлган муаммоларга ижобий ечим топишдек, тиббиёт тизимининг бош мақсадига хизмат қилиши шубҳасиз.**

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.**

**Суратлар муаллифи Акром АБДУЛЛАЕВ.**



# СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН АҲОЛИ МАМНУН

***Бухоро туманидаги "Боғидашт" қишлоқ врачлик пункти икки ярим минг нафардан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.***

Муассаса зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Малакали шифокор ва ҳамширалар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга, оилаларда тиббий маданиятни қарор топтириш бўйича тарғибот ишларини кенг олиб бормоқда.

**ЎзА.**



## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ҚЎШМА ҚАРОРИ

**10-сонли** **9-33 "с"сонли**

### Республикада "Ҳамшира-2018" кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4985-сонли Фармони ҳамда 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2857-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

"Йилнинг энг яхши ҳамшираси" кўрик-танловининг Низоми 1-иловага мувофиқ;

Республикада "Ҳамшира-2018" кўрик-танловини ва унинг финал босқичини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Ҳамшира-2018" кўрик-танловини қуйидаги босқич ва муддатларда "Йилнинг энг яхши ҳамшираси" кўрик-танлови Низоми асосида ўтказилсин:

1- босқич - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги барча даволаш-профилактика муассасаларида – жорий йилнинг 10 апрелига қадар;

2 - босқич - Республиканинг барча туман ва шаҳарларида жорий йилнинг 1 майига қадар;

3 - босқич - Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда жорий йилнинг 20 майига қадар;

4 - босқич - Республика финал босқичи Тошкент шаҳрида жорий йилнинг июнь ойида.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги барча даволаш-профилактика муассасалари ва тармоқ касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари муассасаларда "Ҳамшира-2018" кўрик-танловини юқори савияда ўтказиш бўйича ўз қўшма қарорларини қабул қилсинлар.

Қўшма қарорлар билан:

- ҳар бир муассасада кўрик-танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режалари тасдиқлансин;

- танловни ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда танлов иштирокчилари ва ғолибларини рағбатлантириш масалалари назарда тутилсин.

Кўрик-танлов ўтказилиши хақида туман (шаҳар)лар ҳокимларига ахборот берилсин ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сўралсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига:

Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари билан қўшма қарорларни қабул қилиш;

ҳудуддаги барча даволаш-профилактика муассасаларида ушбу қарор ижроси таъминланишини назорат қилиш;

танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар босқичларини юқори савияда ўтказилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларига тегишли ахборотлар киритилсин ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сўралсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати (Ф.Санаев)га:

Кўрик-танловнинг барча даражадаги босқичлари маҳаллий ва Республика оммавий аҳборот воситаларида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг нашрлари саҳифаларида, шунингдек интернет тизими ва телерадиоканалларда кенг ёритилиши ҳамда танлов хақида туркум материаллари бериб боришни таъминлаш топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамизда қолдирамиз.

| | |
|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири в.в.б Б. Юсупалиев** | **Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Ф. Ханапияев** |
| 15 март 2018 й | 15 март 2018 й |

*Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 2018 йил15 мартдаги 10-сонли ва 9-33 "с"-сонли Қўшма қарорига 1-илова*

## "Йилнинг энг яхши ҳамшираси" кўрик-танловининг НИЗОМИ

### 1. Танловнинг мақсади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4985-сонли Фармони ҳамда 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2857-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган Давлат дастурини амалиётга жорий этиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳамшираларнинг билим даражаларини ошириш хамда барча вилоятларда хизмат қилаётган ҳамширалар ўртасида ўзаро маданий дўстлик алоқаларини йўлга қўйиш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш кўрик танловнинг асосидир.

### 2. Кўрик танловга раҳбарлик

Кўрик танловга умумий раҳбарлик қўшма қарорни имзоловчи ташкилотлар томонидан тасдиқланган ташкилий қўмита аъзолари томонидан амалга оширилади.

Кўрик танловнинг ўтказиш муддати, жойи, таркибини ташкилий қўмита белгилайди, ҳакамлар хайъатини тузади ва тасдиқлайди. Танловнинг ташкилий ва моддий таъминоти масалаларини ҳал қилади.

### 3. Кўрик танловнинг умумий қоидалари

Кўрик танловда ўрта тиббий маълумотга эга бўлган ҳамда камида 3 йил тиббий иш стажига эга бўлган, 30 ёшдан ошмаган барча ҳамшира, акушерка ва фельдшерлар қатнашишлари мумкин.

Танловнинг ўтган йиллардаги иштирокчилари, жорий йилда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас.

**Танлов қуйидаги босқичларда ўтказилади:**

**1 - босқич** – барча даволаш-профилактика муассасаларида;

**2 - босқич** - туман ва шаҳарлар даражасида;

**3 - босқич** - Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар даражасида;

**4 - босқич** – Республика финал босқичи.

Танловнинг ҳар бир босқичида номзодлар бўйича мазкур Низом шартлари асосида танлов ташкил қилинади.

Тақдим этилаётган номзодларни танлашда уларнинг билим даражалари, касбий малакаси, беморларга кўрсатаётган тиббий ёрдам сифати, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлиги ва тиббий маданиятини ошириш бўйича олиб бораётган ишлари инобатга олинади.

Танловнинг муассаса, туман (шаҳар) ва вилоят босқичларида фақат биринчиликни қўлга киритган ғолиблар кейинги босқичга йўлланма оладилар.

Ҳакамлар хайъатининг қарорлари қайта кўриб чиқилмайди ва муҳокама этилмайди.

Танловнинг барча босқичларида ғолиблар ва иштирокчилар ташкилотчилар томонидан тақдирланиб борилади.

Танловнинг Республика финал босқичида қатнашиш учун юбориладиган делегация таркиби 3 кишидан ортиқ бўлмаслиги (иштирокчи билан биргаликда) лозим.

Танловнинг босқичларида ғолиб деб тан олинган хамшира тўғрисида маълумотлар жамланмаси (биринчи раҳбар имзоси билан тасдиқланган тавсиянома, номзод фаолиятини ифодаловчи сон ва сифат кўрсаткичлар бўйича тавсифнома (аннотация), ўрнатилган шаклдаги маълумотнома (справка-объективка), 1 та 4х5 см бичимдаги рангли фотосурат) билан кейинги босқич ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

### 3. Танлов шартлари ва уларни баҳолаш

Танловнинг барча босқичларида танлов иштирокчилари 3 турдаги шартлар бўйича беллашадилар. Шартлар 10 баллик мезон асосида баҳоланади ва ҳар бир шартлар якунида барчага намойиш қилиш йўли билан қўйилади.

#### *1-шарт. Тиббиёт соҳасига доир амалий билимлар кўриги*

Ушбу шартлар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида, унинг филиал ва субфилиалларида ўтказилади.

Мазкур кўрикда иштирокчилар назарий билимларини амалиётда кўрсата билишлари керак.

Тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган беморларни қабул қилиш, аҳволини баҳолаш ва шифокор томонидан буюрилган тиббий муолажаларни дори-дармон, тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида амалда бемор иштирокида бажарадилар ва бажарган муолажаларни тушунтириб берадилар. Иштирокчилар муолажаларни қандай бажарганлиги, дори-дармон, асбоб-ускуналардан тўғри фойдаланганлиги, топширилган вазифани бажаришнинг энг тўғри йўлини топганлиги, ўзини тута билиши ва жавобларига қараб баҳоланади.

#### *2-шарт. Тиббиёт соҳасига доир назарий билимлар бўйича беллашув*

Ушбу шарт ташкилий қўмита томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган ва махсус жиҳозланган аудиторияларда ўтказилади. Уни холис баҳолаш учун ҳududдаги тиббиёт коллежлари ва тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари жалб этилади. Ҳакамлар хайъати уларни кузатиб турадилар.

Унда иштирокчиларнинг назарий билимлари объектив структурлашган клиник имтиҳон (ОСКИ) усулида, олдиндан тайёрланган билетлар саволларига жавоб олиш йўли билан синалади. Бу шартда иштирокчиларнинг амалий кўникмаларни ўзлаштириши, касбий маҳорат ва клиник фикрлаш даражаси баҳоланади.

ОСКИ 7 та йўналиш (шошилинч тез тиббий ёрдами, бирламчи патронаж тизими, репродуктив саломатлик ва акушерлик ёрдами, терапия, хирургия, педиатрия, гериатрия каби) фанларига ажратилган бўлиб, ҳар бир фан назария ва амалиётига алоҳида станция ажратилган ҳолда, жами 14 та станциядан иборат бўлади. Йўналишлар бўйича назарий билимлар – одам анатомияси ва физиологияси, касалликлар этиологияси, клиник белгиси, ҳамшира ташхиси ва профилактик чора-тадбирлар бўйича оғзаки жавоб беришни, амалий билимлар – ҳамширалик иш фаолиятидаги кўникмаларни амалда кўрсатиб беришни, тиббий асбоб ускуналар билан танишлик ва улардан фойдаланишни билиш даражасига қараб баҳоланади.

Ҳар бир имтиҳон олувчи синов якунидан сўнг иштирокчиларга қўйилган балларни махсус бланкларга кўчириб, шахсий имзоси билан тасдиқлаган ҳолда ҳакамлар ҳайъатига тақдим этади. Ҳар бир йўналиш назария ва амалиёти бўйича 5 баллдан, жами 10 баллик мезон билан баҳоланади.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан имтиҳон олувчилар тақдим этган баллар асосида иштирокчиларнинг ўртача баллари (ўнлик даражасигача) ҳисоблаб чиқилади.

#### *3-шарт. Тиббий, ижтимоий - сиёсий билимларга доир беллашув*

Бу шарт зал ёки саройларда томошабинлар иштирокида тантанали тарзда ўтказилади.

Ушбу шартга чиқишдан олдин иштирокчилар "Ҳамшира ташрифи" бўйича чиқишлари лозим.

Иштирокчилар тиббий кийимда, оқ халатда бўлиб, ҳамшира ўзи, касби, яшаётган шаҳри, вилояти, меҳнат қилаётган тумандаги бунёдкорлик ишлари, бўлаётган ўзгаришлар, ислоҳотлар тўғрисида истаган шаклда маълумот бериши лозим. Ҳар бир иштирокчига 3 дақиқа вақт берилади.

Иштирокчининг бу чиқиши ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланмайди.

Бу шарт саволлари тури иккига бўлинади.

Биринчи савол мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий жараёнлар, соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар, уларни амалга оширишда ҳамшираларнинг ўрни ва вазифаларига бағишланган савол бўлиб, иштирокчилар унга икки минут давомида жавоб беришлари лозим.

Ҳакамлар хайъати томонидан жавобнинг тўғрилиги ва тўхтовсизлигига аҳамият берилади.

Иккинчи савол блиц-саволлари бўлиб, унга кўра иштирокчилар ўзларига 1 дақиқа давомида берилган саволларга энг кўп ва тўғри жавоб беришлари лозим. Бу саволлар одам анатомияси, физиологияси, касаллик белгилари, ҳамширалик иши, тиббий хужжатлар, беморлар парвариши, тиббий асбоб ускуналар, шошилинч тиббий ёрдам, дори воситалари, юқумли касалликлар профилактикасига бағишланган бўлиши мумкин.

Ҳакамлар хайъати томонидан саволларга берилган жавобнинг энг кўп ва тўғри берилишига аҳамият берилади.

Бу икки турдаги саволлар блиц тур саволлари бўлиб, саволларга тайёрланиши учун вақт берилмайди.

### *4. Иштирокчилар ва ғолибларни рағбатлантириш*

Танловнинг барча босқичларида танлов иштирокчилари ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланадилар. Танловнинг

**(Давоми 7-бетда).**

# “Йилнинг энг яхши ҳамшираси” кўрик-танловининг НИЗОМИ

1-босқичида III ўринни қўлга киритган иштирокчи энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан, II ўринни қўлга киритган 1,5 баробаридан, I ўринни қўлга киритган иштирокчи 2 баробаридан кам бўлмаган миқдордаги қимматбаҳо совғалар ва тегишли дипломлар билан тақдирланади.

Танловнинг 2-босқичида III ўринни қўлга киритган иштирокчи энг кам иш хақининг 1,5 баробаридан, II ўринни қўлга киритган 2,0 баробаридан, I ўринни қўлга киритган иштирокчи 2,5 баробаридан кам бўлмаган миқдордаги қимматбаҳо совғалар ва тегишли дипломлар билан тақдирланади.

Танловнинг 3-босқичида III-ўринни қўлга киритган иштирокчи энг кам иш хақининг 2 баробаридан, II ўринни қўлга киритган 3 баробаридан, I ўринни қўлга киритган иштирокчи 4 баробаридан кам бўлмаган миқдордаги қимматбаҳо совғалар ва тегишли дипломлар билан тақдирланади.

Танловнинг Республика босқичи иштирокчилари энг кам иш хақининг 5 баробаридан кам бўлмаган эсдалик совғаси ва иштирокчи дипломлари билан, танловнинг Республика босқичида III ўринни қўлга киритган иштирокчи энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан, II ўринни қўлга киритган 20 баробаридан, I ўринни қўлга киритган иштирокчи 30 баробаридан кам бўлмаган миқдордаги қимматбаҳо совғалар ва махсус дипломлар билан тақдирланади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан танлов ғолибларини тиббиёт олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилиш юзасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тавсиянома киритилади.

**(Давоми. Боши 6-бетда).**

## *Объявления*

## Общественный фонд по поддержке Негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан ОБЪЯВЛЯЕТ

Конкурс на выделение государственных грантов по теме: **“Поддержка инновационных проектов ННО в реализации Стратегии действий в “Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий””.**

В конкурсе принимаются проектные заявки негосударственных некоммерческих организаций, средств массовой информации и других институтов гражданского общества, предусматривающие следующие социально значимые цели:

1. Реализация совместных программ и планов, направленных на решение актуальных проблем женщин, молодежи, инвалидов и престарелых;
2. Оказание содействия по улучшению социальной и бытовой инфраструктуры, повышения уровня жизни, создания новых рабочих мест в отдаленных горных и труднодоступных сельских местностях;
3. Содействие расширению оказания качественных социальных услуг населению, созданию благоприятных условий в организации их эффективного досуга, обеспечению в сотрудничестве с государственными органами благоустройства махаллей;
4. Реализация комплексных мероприятий по защите материнства и детства, укреплению института семьи, воспитанию здорового и гармоничного поколения;
5. Укрепление духовно-нравственных отношений в семье, содействие в предотвращении ранних и незаконных (религиозных) браков, реабилитации рождения детей-инвалидов;
6. Обеспечение совместно с государственными органами и бизнес-субъектами занятости женщин, молодежи и молодых семей, широкое их привлечение к предпринимательству и семейному бизнесу;
7. Внедрение эффективных механизмов и инновационных методов общественного контроля по оказанию гарантированных медицинских услуг;
8. Содействие формированию здоровой среды в семье, пропаганде духовно-нравственных ценностей наших предков, укреплению отношений между свекровью и невесткой;
9. Формирование социальных предприятий в целях обеспечения занятости наиболее уязвимых слоев населения, особенно женщин, молодежи и инвалидов, реализация социально значимых товаров, услуг и работ;
10. Реализация в сотрудничестве с государственными органами программ, направленных на социальную интеграцию и реабилитацию к обществу неорганизованной молодежи, женщин-инвалидов, освобожденных из мест лишения свободы, лиц не имеющих постоянного места жительства;
11. Широкое освещение в зарубежных СМИ конкретных результатов, процессов реформ по реализации Государственной программы "Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий".

**Для выделения государственного гранта необходимо предоставить следующие документы:**

1. Сопроводительное письмо с подписью руководителя и печатью организации;
2. Проектная заявка на государственный грант по форме, размещенной на веб-сайте **www.fundngo.uz;**
3 Копия Устава (Положения) ННО и других институтов гражданского общества, прошедших государственную регистрацию, с последними изменениями и дополнениями;
4. Копия свидетельства о государственной регистрации организации;
5. Если реализация проекта требует лицензионной деятельности, то предоставляется копия лицензии;
6. Могут прилагаться рекомендательные письма, ходатайства заинтересованных государственных и общественных организаций.

Сумма выделяемого гранта на один проект – **до 30 миллионов сумов**. Прием документов осуществляется **с 15 марта по 20 апреля 2018 года.**

Документы принимаются в запечатанных конвертах, отправленные через АО "Узбекистонпочтаси" (формат А 4) на имя **Общественного фонда по поддержке ННО и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан** по адресу: 100163, г.Ташкент, ул. Ислама Каримова, д. 43.

С условиями предоставления и образцами документов можно ознакомиться на официальном веб-сайте Общественного фонда при Олий Мажлисе: **www.fundngo.uz.**

**Телефоны для справок: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.**

## Общественный фонд по поддержке Негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан ОБЪЯВЛЯЕТ

Конкурс на выделение государственных грантов по теме: **“Широкое освещение в иностранных и местных СМИ высокого уровня правовых знаний, мышления, культуры прав человека, инновационных форм и механизмов общественного контроля”.**

**В конкурсе принимаются проектные заявки негосударственных некоммерческих организаций, средств массовой информации и других институтов гражданского общества, предусматривающие следующие социально значимые цели:**

1. Внедрение эффективных инновационных форм и механизмов доведения до широкой общественности сути и значения Постановлений, Указов Президента, новых законов, принятых Парламентом страны;
2. Внедрение инновационных методов повышения роли и значения законов в регулировании общественных отношений, формирование новых форм диалога с народом, выявление уровня реального влияния законов на жизнедеятельность населения;
3. Содействие во внедрении инновационных форм доведения до широкой общественности сути и значения осуществляемых реформ в стране;
4. Реализация совместных программ по формированию в обществе высокой правовой культуры, уважительного отношения к законам и правам человека;
5. Проведение экспертных и общественных обсуждений проектов законов, в том числе, организация специальных теле- и радиопередач, публикация статей в печатных СМИ и в сети Интернет;
6. Реализация с государственными органами совместных программ по повышению профессионального, идеологического и художественного уровня материалов СМИ;
7. Развитие социального партнерства в повышении профессионального мастерства и творческой активности молодых журналистов и технических работников;
8. Усиление положительного влиянияСМИ на общественно-политическое, духовно-нравственное, социально-правовое сознание граждан, особенно молодежи;
9. Реализация инновационных методов общественного контроля и обеспечения прав потребителей в сферах коммунального хозяйства, торговли и оказания услуг;
10. Под девизом "Государственные органы на службе у народа" оказание содействия повышению правовой культуры и правосознания населения, уважения к закону, укрепления непримиримого отношения к преступности в любой ее форме;
11. Совершенствование системы работы в государственных органах с обращениями граждан, обеспечение прав, свобод и законных интересов человека;
12. Широкое освещение в СМИ о негативных последствиях ранних и родственных браков;
13. Обеспечение прав и законных интересов женщин и детей, усиление социального партнерства с государственными органами в социально-правовой и духовно-нравственной их поддержке;
14. Развитие эффективных методов и практики осуществления общественного контроля за деятельностью государственных органов и реализацией законодательства под девизами "Справедливость – в приоритетности закона", "Обращения граждан – в центре непрестанного внимания";
15. Широкое вовлечение Совета ветеранов правоохранительных органов в работу с неорганизованной и проблемной молодежью, реализация законных интересов и намерений;
16. Подготовка и распространение различных наглядных материалов под девизом "Я изучаю Конституцию Республики Узбекистан".

**Для участия в программе государственного гранта необходимо предоставить следующие документы:**

1. Сопроводительное письмо с подписью и печатью руководителя организации;
2. Проектная заявка на государственный грант по форме, размещенной на веб-сайте **www.fundngo.uz;**
3 Копия Устава (Положения) ННО и других институтов гражданского общества, прошедших государственную регистрацию, с последними изменениями и дополнениями;
4. Копия свидетельства о государственной регистрации организации;
5. Если реализация проекта требует лицензионной деятельности, то предоставляется копия лицензии;
6. Могут прилагаться рекомендательные письма, ходатайства заинтересованных государственных и общественных организаций.

Сумма выделяемого гранта на один проект – **до 30 миллионов сумов**. Прием документов осуществляется **с 15 марта по 20 апреля 2018 года.**

Документы принимаются в запечатанных конвертах, отправленные через АО "Узбекистонпочтаси" (формат А4) на имя **Общественного фонда по поддержке ННО и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан** по адресу: 100163, г.Ташкент, ул. Ислама Каримова, д. 43.

С условиями предоставления документов и образцами документов можно ознакомиться на официальном веб-сайте Общественного фонда при Олий Мажлисе: **www.fundngo.uz.**

**Телефоны для справок: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.**

*Ко дню рождения Амира Темура*

# СИМВОЛ СВОБОДЫ И СПРАВЕДЛИВОСТИ

***Ежегодно 9 апреля в нашей стране широко отмечают день рождения великого государственного деятеля и полководца Амира Темура.***

С первых дней независимости в Узбекистане уделяется огромное внимание возрождению и приумножению бесценного духовного и культурного наследия, которое веками формировалось великими предками.

Широко отмечая 682-летие Амира Темура (1336 – 1405 гг.), узбекистанцы отдают дань уважения великому государственному деятелю – одному из самых светлых, великих образов в нашей истории, ставшим национальной гордостью, символом независимости и свободы.

Амир Темур родился 9 апреля 1336 года в кишлаке Ходжа Илгар (Яккабаг) близ Кеша (Шахрисабз). Его отец эмир Мухаммад Тарагай, был из знатной семьи тюркского рода барласов. Он был влиятельным человеком и пользовался большим авторитетом во всем Мавераннахре.

С детских лет юный Темур отличался остротой ума и феноменальной памятью – наизусть знал Коран, изучал хадисы. Он был чрезвычайно сообразительным, высоконравственным, гордым и щедрым человеком, интересовался светскими науками, имел определенные познания в медицине и астрономии, обладал военным искусством.

Амир Темур не только возродил узбекскую государственность, но и поднял ее на новый уровень развития, чем и прославился на весь мир.

С объединением разрозненных регионов в единое государство, созданием и упрочением централизованной власти укрепилась экономика страны, стали развиваться ремесленное производство и торговля, расширяться торгово-хозяйственные связи с соседними странами. Выдающийся государственный деятель высоко ценил патриотизм, доблесть, мужество и отвагу. Лозунг «Сила в справедливости», практиковавшийся повсеместно на всей территории государства Амира Темура, превратился в нравственный и духовный критерий.

Построенные по инициативе Сахибкирана уникальные архитектурные памятники до сих пор изумляют своим величием и красотой. Амир Темур перестроил Самарканд и превратил его в одну из прекраснейших столиц планеты. Он собрал здесь ученых и искусных мастеров из многих стран, очень дорожил ими, оказывал всяческое почтение. Высоко ценил значение науки и знаний для процветания государства. Часто приглашал знаменитых ученых, историков, философов, религиозных деятелей, вел с ними беседы по различным вопросам.

Амир Темур прославился как искусный дипломат и сторонник развития добрых отношений между государствами, осуществил большую работу, послужившую укреплению взаимосвязей между Европой и Азией.

История эпохи Темуридов свидетельствует о том, что такие потомки великого Темура как Шохрух, Улугбек, Хусайн Байкара, Бабур, Камрон Мирзо, Акбар Шах, Шах Жахон наряду с государственными делами, успешно руководили странами и обширными регионами, внесли весомый вклад в развитие мировой науки и культуры.

Сегодня по всей стране возведены памятники великому предку, имя Амира Темура присвоено площадям, проспектам, станции метро, учреждениям культуры и просвещения. Орденом Амира Темура награждаются наши соотечественники за большие заслуги в укреплении государственности, вклад в развитие науки, литературы, искусства, архитектуры, а также лица, не являющиеся гражданами нашей страны, внесшие особый вклад в укрепление межгосударственного сотрудничества, мира и дружбы между народами.



Личность Амира Темура признана редчайшим явлением в мировой истории. Современная молодежь проявляет огромный интерес к изучению жизни и деятельности великого предка, бережно и с уважением относится к его бесценному наследию. Глубоко понимая прошлое, мы обретаем уверенность в своем будущем.

**Хамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ.**

## Эълон

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказиладиган **“Йилнинг энг яхши шифокори”** кўрик-танлови учун статуэткалар танлови эълон қилинади.



**Статуэткаларга қўйиладиган асосий талаблар:**

- Ишланманинг ўзига хос (оригинал) бўлиши;
- Ишланма дизайни муаллифлик даражасида бўлиши;
- Ишланма тиббиёт соҳаси, Ўзбекистонда тиббиётнинг ривожланиши тарихи, шифокор ёки унинг иш фаолиятини акс эттириши лозимлиги.



Ишланманинг эскизлари **3D форматда** тақдим этилиши лозим.

Олинган эскизлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва ғолиб аниқланади.

Танлов ғолиби **2000.000 сўм** пул мукофоти билан тақдирланади!

Ишланмалар **2018 йилнинг 1 май** кунига қадар қабул қилинади. Юборилган ишланмалар қайтариб берилмайди.

Барча эскизлар **sogliq_zakhidov@kasaba.uz** ёки **max-rock86@mail.ru** электрон манзилларига юборилиши лозим.

**Қўшимча маълумот учун телефон**
**+(99871)256-81-67, +(99890)922-00-40.**

## Объявление

**Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан**

Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан совместно с Республиканским Советом профсоюза работников здравоохранения Узбекистана объявляет конкурс статуэток для вручения победителям конкурса **“Лучший врач года”**.



**Основные требования к статуэткам:**

- Эскиз должен быть уникальным (оригинальным);
- Дизайн эскиза должен быть авторским;
- Статуэтка должна отражать суть медицины, историю развития медицины в Узбекистане, образ или деятельность врача.



Эскизы должны быть предоставлены в **3D формате**.

Представленные эскизы будут рассмотрены комиссией при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан с последующим определением победителя.

Победитель конкурса получит денежное вознаграждение в размере **2000.000 сум**!

Эскизы будут приниматься до **1 мая 2018 года** (включительно). Полученные эскизы не будут возвращены.

Эскизы нужно отправить по следующим электронным адресам: **sogliq_zakhidov@kasaba.uz** или **max-rock86@mail.ru**

**Телефон для справок:**
**+(99871)256-81-67, +(99890)922-00-40.**

*101 хизмати хабар қилади*

## ОРЗУ-УМИДЛАР КУЛГА АЙЛАНМАСИН...

Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг огоҳлантиришлари, жаримага тортишларига қарамай ҳамон ўзбошимчалик билан носоз электр, газ плиталаридан фойдаланиб келаётган фуқаролар учраб турибди. Бунинг натижасида ёнғин содир бўлганда эса афсусланишади. Тинч ва осуда ҳаёт кечириб, меҳнат маҳсулидан баҳра олиб юрган оиланинг уйи бир зумда кулга айланиши кимнинг ҳам кўнглига сиғади дейсиз.

Фуқаро Ж. Абдужалилов ана шундай ўз бошимчалик оқибатида нафақат хонадони, балки танаси куйганлардан бири. У газ плитасидан фойдаланаётганда қоидани бутунлай унутди. Оқибатда ёнғин содир бўлиб, иккинчи даражали куйиш тан жароҳатини олди.

Ҳа, инсон орзу-умид билан яшаб, меҳнат қилади. Аммо баъзан уни ёнғиндан асрашни унутиб қўяди. Ўз-ўзидан аёнки, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиш ва уларга амал қилиш эса ҳаётга хавф солмаслик ва мол-мулкка зарар етказмасликка асқотади.

Азиз юртдошлар, ёнғин қоидаларига риоя қилиш билан Сиз уйингиз, оилангиз, яқинларингизни офатдан сақлаган ва шаҳримиз чиройига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

**Ҳасан САБИРОВ,**
**Миробод тумани ЁХБ инспектори, сержант.**

## ЭЪЛОН

Андижон давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини 1976 йилда битирганларнинг 42 йиллигига бағишланган учрашуви 2018 йилнинг 28-29 апрель кунлари Самарқанд шаҳри Огаҳий кўчаси 98-уйда соат 9:00 да бошланади.

**Мурожаат учун телефон:**
**Гулбаҳор Ҳусаинова (+99890) 276-88-10.**

## ЭЪЛОН

Тошкент педиатрия тиббиёт институтини 1983 йилда битирганларнинг 35 йиллигига бағишланган учрашув 2018 йил 5 май куни соат 11:00 да Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани «Ёш алангачи» болалар оромгоҳида бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**Абдуғани Усмонов (+99897) 388-20-59.**
**Нарзулла Тўхтаев (+99894) 688-83-28.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 4705 нусха.
Буюртма Г-437.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.